



BUXORO
DAVLAT
1930 UNIVERSITETI

ISSN 2181-6875

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI

3/2019

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРДА
КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ДОЛЗАРБ МУАММО СИФАТИДА**

**РАЗВИТИЕ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ
ПРОЕКТНОЙ РАБОТЫ В ПРЕПОДАВАНИИ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА ДЛЯ
СТУДЕНТОВ ВУЗ КАК АКТУАЛЬНАЯ ПРОБЛЕМА.**

**DEVELOPMENT OF COMMUNICATION COMPETENCE USING PROJECT
WORK IN TEACHING ENGLISH TO STUDENTS IN HIGHER EDUCATION AS AN
ACTUAL PROBLEM**

Юсупова Мухаббат Анатольевна-Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Хорижий тиллар кафедра мудири, мустақил тадқиқотчи.

Калит сўзлар: *Компетентли ёндашув, кўникма, малака, самара, талаба, инглиз тили, коммуникатив компетенция.*

Ключевые слов: *Компетентный подход, навыки, квалификация, эффективность, студент, английский язык, коммуникативная компетентность.*

Key words: *Competent approach, skills, qualifications, efficiency, student, english language, communicative competence.*

Мақолада олий таълим муассасаларида инглиз тили машғулотларини лойиҳалашда компетентли ёндашувни, компетент ёндашувга асосланган таълим ўқувчи-талабалар томонидан эгалланган билим, кўникма ва малакаларни шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятда амалда қўллаш олиши малакаларини шакллантиришга йўналтирилган жараён ёритилган.

В статье обсуждается компетентный подход к разработке уроков английского языка при помощи метода проекта в высших учебных заведениях, а также процесс, с помощью которого студенты развивают навыки применения знаний и умений, приобретенных студентами в своей личной, профессиональной и социальной деятельности.

The article highlightes the competent approach of project work in teaching English in higher education institutions as well as the process by which students develop skills to apply the knowledge and abilities acquired by students in their personal, professional and social activities.

Олий таълим муассасаларида инглиз тили машғулотларини лойиҳалашда компетентли ёндашувни инобатга олиш зарур. Мамлакатимиз таълим муассасаларида компетент ёндашув 2012 йилдан

буён татбиқ этилмоқда. Ушбу тушунча ўқувчиларнинг шахсий, касбий ва ижтимоий ҳаётда учрайдиган вазиятларда турли типдаги малакаларни самарали равишда қўллашга ўргатиш сифатида талкин қилинади [1]. Бунда ҳосил бўлган билим, кўникма ва малакаларни фавқулодда юзага келган ноаниқ, янги, муаммоли вазиятларга дуч келганда қўллай олиш компетенциясига алоҳида урғу берилади [2]. Хусусан, республикамизда хорижий тилларни ўрганишда компетенция, компетент ёндашув, компетентлик даражалари, уларга қўйиладиган талаблар ҳамда уларни баҳолаш мезонлари бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг [3] ижроси сифатида республикамизда компетент ёндашув ва компетентлик талабларини халқаро талабларга мувофиқлаштириш амалга оширила бошланди.

Компетент ёндашувга асосланган таълим ўқувчи-талабалар томонидан эгалланган билим, кўникма ва малакаларни шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятда амалда қўллай олиш малакаларини шакллантиришга йўналтирилган жараёндир. Шу жиҳатдан қараганда Б.Ходжаевнинг тадқиқот ишида компетент ёндашув доирасига таълимнинг учта анъанавий элементи бўлган билим, кўникма ва малакага яна учта унсурлар: амалий фаолият тажрибаси, компетенция, компетентликнинг илгари сурилиши муайян асосга эга эканлиги баён этилган [4].

Бугунги глобал ахборот асрида, миллатлар ва маданиятлараро мулоқот шароитида коммуникацион ахборот-маълумотлардан имкон қадар тез ва кенг миқёсда фойдаланиш, уларни ўз эҳтиёжи, муайян касб-кори доирасида бошқара олиш турли мамлакатлар халқлари билан фаол коммуникатив алоқаларни амалга оширишда компетентлик даражасининг юқори бўлиши тақозо этилади. Бугунги кунда атрофимизни қуршаб олган ахборот олами ҳар бир инсоннинг таълим олиш жараёни ҳамда кундалик фаолияти муваффақиятли кечиши учун зарур маълумотларни излаб топиш, улардан ўзи учун кераклисини ажратиб олиш ва фойдаланиш давр талаби ҳисобланади. Бунда айнан бир неча тилни билиш ва тилдан амалда фойдаланишнинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлигини таъкидлаш жоиз. Ахборот-маълумотлардан самарали фойдаланган ҳолда мулоқот юрита олиш учун ўз фикрини ўзгаларга керакли даражада тушунтира олиш, бошқаларнинг фикрини тушуниш, мунозарага киришиш лозим бўлиб, бу бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг коммуникатив компетенциясини шакллантиришни талаб этади.

Коммуникатив компетенция (*communicative competence*) термини илк бор 1972 йилда америкалик тилшунос D.Hymes томонидан қўлланилган. Унинг фикрига кўра, ушбу компетенция тилнинг маълум бир вазиятда ўринли эканлигини ҳис қилишни аниқлатади. Фикрни

тушуниш ҳамда ижтимоий мазмун бериш учун қоидаларни қўллаш коммуникатив компетенция шаклланганлигини кўрсатади. D.Нумеснинг ишлари шу турдаги компетенцияни она тилида ривожлантиришга бағишланган. Иккинчи тилни ўргатишда коммуникатив компетенцияни шакллантириш масалалари эса 1980 йилда M.Canale ва M.Swaine томонидан тадқиқ қилинган.

Хорижлик олимлар (Скворцова С.А., Вторникова Ю.С.) коммуникатив компетенцияни асосан кенг маънода талқин қилиб, инсонлар билан ўзаро фикр алмашиш, ўзининг мулоқот мақсадларига эришиш ва шахслараро мулоқот жараёнида муомала тарзини танлаш деб тавсифлаб, уни аксарият ҳолларда чет тилларни ўрганиш билан боғлайдилар. Жумладан, Е.И.Пассов коммуникативликни таълим жараёнининг сифат ва хусусиятлари бўйича мулоқот жараёнига яқин бўлишида кўради.

Э.Г.Азимов, А.Н.Щукинларнинг методик адабиётларида таърифланишича, *коммуникатив компетенция* чет тили воситасида маиший, ўқув, ишлаб чиқариш ва маданий ҳаётда долзарб бўлган мулоқот масалаларини ҳал қила олиш; тил ва нутқ воситалари ёрдамида мулоқот мақсадларига эришишдир. Келтирилган фикрга кўшилган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, коммуникатив компетенция жамиятда инсонлар билан ўзаро мулоқотга киришиш учун она тили, ўзи яшаётган давлатнинг расмий тили ҳамда хорижий тилларда сўзлашиш; ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда аниқ ҳамда тушунарли баён қила олиш; саволларни мантиқан тўғри қўя олиш ҳамда берилган саволларга мантиқан тўғри жавоб бериш; мулоқот вазиятига мослаша олиш, мулоқот жараёнида муомала маданиятига амал қилиш; суҳбатдошининг фикрини ҳурмат қилган ҳолда ўзининг нуқтаи назарини ҳимоя қила билиш, суҳбатдошини ишонтира олиш; зиддиятли вазиятларда ўзини-ўзи бошқара олиш; муаммо ҳамда келишмовчиликларни ҳал этишда макбул қарорларни қабул қилиш каби жуда кўп жиҳатларни қамраб олади.

Ю.Жуков коммуникатив компетентликнинг муҳим эканлигини кўрсатиш учун уни метакомпетентлик ёки “ядро компетентлиги” деб атади [5]. Олимнинг фикрига кўра, компетентликнинг бу тури ижтимоий, касбий, шахслараро компетентликка киради ва уларни бири-бири билан боғлайди. Шу билан бирга, касбий, ижтимоий ва шахслараро компетентлик коммуникатив компетенциянинг компонентлари сифатида талқин қилинади. Биз бу борада коммуникатив компетенциянинг шахснинг атрофдаги олам билан унинг барча жабҳаларида мулоқот қилиш самарадорлигини кўрсатадиган *асосий* хусусиятларидан бири эканлиги тўғрисидаги фикрга қўшилаемиз.

Коммуникатив компетентлик талабларидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги компонентлар иборат бўлиши тавсия этилади:

- соҳа лексикасини билиш;

- оғзаки нутқнинг ривожланганлиги (аниқ ва тўғри сўзлаш);
- ёзма нутқнинг ривожланганлиги;
- этика ва мулоқот этикасига риоя қилиш;
- мулоқот тактикаларининг эгалланганлиги;
- мулоқот стратегиясининг эгалланганлиги;
- мулоқот иштирокчиларининг ўзига хос хусусиятлари ва муаммоларини билиш;
- ташқи сигналлар (тана ҳаракатлари, юз ҳаракатлари, нутқ оҳанги)ни таҳлил қила олиш;
- низоларнинг олдини олиш;
- ўзига ишониш;
- бошқаларни тинглай олиш;
- нотиклик маҳоратини эгаллаш;
- актёрлик маҳоратини эгаллаш;
- музокараларни ташкил қилиш ва олиб бориш малакаларини эгаллаш;
- ўзгаларга ҳамдард бўла олиш (эмпатия);
- ўзгалар манфаатини англаш.

Ушбу компонентлар коммуникатив компетенциянинг психологик жиҳатлари билан тавсифланган, шу билан бирга, қайд этилган компонентлар ҳамда коммуникатив компетенциянинг кўплаб бошқа таҳлиллари ушбу компетенциянинг барча соҳаларда бир хил бўлмаслигини тасдиқлайди.

Коммуникатив компетентлик тилни ўрганаётган шахсда ўз-ўзидан шаклланиб қолмай, бир қатор билим, кўникма ва малакалар ҳамда уларни қўллай олиш лаёқати, яъни компетенциялардан ҳосил бўлади. Илмий ва методик адабиётларда коммуникатив компетенциянинг таркиби турлича кўрсатилади. Жумладан, D.Hymes коммуникатив компетенцияни грамматик, ижтимоий-лингвистик, стратегик ва дискурсив компетенциялардан иборат эканлигини тасдиқлайди [6].

Д.Изаренков коммуникатив компетенциянинг элементларини учта асосий қисмга: тил, хусусий ва прагматик компетенцияларга бирлаштиришга ҳаракат қилади. Е.Назаренко томонидан ишлаб чиқилган чет тилини ўрганаётган талабанинг коммуникатив компетенцияси чизмасида[7] кўрамизки, унинг таркибий қисмлари ўзаро узвий боғлиқ ҳолда бир-бирини тўлдиради ҳамда яхлит мажмуани ҳосил қилади. Бунда компетенциянинг таркибий қисмлари билим, кўникма ва малакаларни барабар қўллаш орқали ҳосил қилинади.

Айтиб ўтилган тадқиқотларнинг барчасида коммуникатив компетенция таянч компетенциялар сирасига киритилган. Таянч компетенцияларни шакллантириш ҳар бир педагогнинг вазифасига кирса, хусусий компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш фан ўқитувчисининг вазифасидир.

Коммуникатив компетентликнинг ташкил этувчи элементи мавжуд бўлиб касбий муҳим сифатларини шакллантириш ҳисобланади. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги тузилмасида мотивацион, акмеологик, ахборотли-мазмунли, тезкор-фаолиятли компонентлар ажратилган.

Е.В.Тармаева бўлажак ўқитувчида коммуникатив компетентликни шакллантириш жараёни қуйидаги педагогик шароитларга риоя этилгандагина муваффақиятли бўлишини таъкидлайди:

- коммуникатив компетентлик таълим жараёни субъектлари томонидан таълим олувчи билан ўзаро таъсирлашувни амалга оширишга ўқитувчининг тайёргарлиги сифатида тан олинса;

- ўқитиш жараёни эмпатияли ўқитишда кадрятли йўналтиришларни ривожлантиришга имкон берувчи таълим олувчи ва ўқитувчининг диалогик (мулоқотли) ўзаро таъсирлашуви сифатида ташкил этилса;

- бўлажак касбий фаолият контекстида таълим олувчи шахсида ижтимоий-кадрятли муносабат шаклланса [8].

Қайд этилган компетенция тизим сифатида инглиз тилини ўқитишга шахсий йўналтирилган ёндошувни, уни индивидуаллаштириш, дифференциаллаштириш, инсонпарварштириш ва фундаменталлаштиришни тавсифлайди. Фаолиятли, шахсий ва коммуникатив компетенциялар мажмуасини ўзлаштириш бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида касбий компетентликнинг шаклланиши ва ривожланишининг оптимал даражасини таъминлайди.

Мутахассиснинг малакасини белгилувчи ушбу унсурлар иш жараёнида касбий мулоқот орқали юзага чиқади ва баҳоланади. Шу боис, бизнинг назаримизда касбий компетенция ва касбий мулоқот юритиш узвий боғлиқ бўлиб, улар таянч компетенциялар сирасига киради. Хусусий компетенцияларни ривожлантириш учун эса муайян фан тармоғи бўйича бериладиган билим, кўникма ҳамда малакалар орқали соҳа терминологияси, назарий билимлар, уларни муайян вазиятларда қўллаш ўргатиб борилади.

Тил таълимида шаклландиган нуткий компетенция касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантиришда ниҳоятда муҳим ўрин тутди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, олий таълимнинг инглиз тили машғулотларида талабаларда компетенциявий кўникма ва малакаларни шакллантиришда лойиҳалаш технологияларидан фойдаланиш долзарблиги ўз аксини топди.

АДАБИЁТЛАР

1. **Захарова В.И.** Социолингвистические особенности преподавания в институтах повышения квалификации государственных служащих по проблеме взаимодействия власти и общества. Выступление на Международной конференции «Наука и современное образование»,

проходившей 14-15 ноября 2014 года в Республике Сербия (Университет в Ниш).

2. **Аминов Н.А.** Диагностика педагогических способностей. - М.: Воронеж. -1997.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли Қарори. // Халк сўзи. 2012 йил, 11 декабрь.
4. **Варданян Ю.В.** Строение и развитие профессиональной компетентности специалиста с высшим образованием: на материале подготовки педагога и психолога: дис. ... д-ра пед. наук: М.: РГБ ОД. - 1998. - 353 с.
5. **Жуков В.П.** Семантика фразеологических оборотов. – М.: Просвещение, 1978.-160с.
6. **Райцев А.В.** Развитие профессиональной компетентности студентов в образовательной системе современного вуза: дис. ... д-ра пед. наук: СПб. - 2004. - 309 с.
7. **Йулдошев Б.** Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти.- Самарқанд: СамДУ, 2007.- 108 б.
8. **Тармаева Е.В.** Развитие коммуникативной компетентности у будущих учителей: дисс...кан.пед.наук. - Улан-Удэ. - 2007.

УДК: 71-234(678, 21)

ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРИ ОБУЧЕНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА

RUS TILINI O'RGATISHDA TA'LIM TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH.

Шейхмамбетов Сервер Рефикович-

Преод.каф. методики преподавания русского языка и литературы.ДжГПИ.

Ключевые слова: *инновационный метод, средства и методы образования, образовательная технология, профессиональные навыки, проблемное обучение, критическое мышление, коммуникация, рефлексия, интегрированное обучение.*

Kalit so'zlar: *innovatsion usul, ta'lim metodi va vositasi, ta'lim texnologiyasi, professional ko'nikmalar, muammoli ta'lim, kommunikasiya, refleksiya, integrallashgan ta'lim.*